

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК–ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.101.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК–ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**БОЗОРОВ ДИЛМУРОД ХОЛМУРОДОВИЧ**

**МАЙОНЕЗ ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.17 – Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда  
қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Бозоров Дилмурод Холмуродович**

Майонез тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш ..... 3

**Бозоров Дилмурод Холмуродович**

Совершенствование технологии приготовления майонеза ..... 21

**Bozorov Dilmurod Kholmurodovich**

Improvement of mayonnaise making technology ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК–ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.101.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК–ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**БОЗОРОВ ДИЛМУРОД ХОЛМУРОДОВИЧ**

**МАЙОНЕЗ ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.17 – Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда  
қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2020**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Т259 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)). Институт веб-сайтида ([www.bmti\\_info@edu.uz](mailto:bmti_info@edu.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мажидов Кахрамон Халимович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Додаев Қўчқор Одилович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Абдурахимов Ахрор Анварович**  
техника фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти**

Диссертация ҳимояси Бухоро муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Т.101.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_соат \_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200100, Бухоро шаҳар, Қ.Муртазоев кўчаси, 15. Тел.:(99865) 223-68-42, факс: (99865) 223-78-84, e-mail: [bmti\\_info@edu.uz](mailto:bmti_info@edu.uz). Бухоро муҳандислик-технология институти 1-биноси, 202-хона).

Диссертация билан Бухоро муҳандислик-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_\_, рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: (200100, Бухоро шаҳар, Қ.Муртазоев кўч., 15. Тел.: (99865) 223-68-42).

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_кун тарқатилди.

(2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_даги №\_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.Р.Баракаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси т.ф.д., профессор

**И.И.Меҳмонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби т.ф.н., доцент

**М.З.Шарипов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ф-м.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда майонезнинг сифатини ошириш ва хом ашё базасини кенгайтириш, янги турдаги моддалар ва озиқ-овқат қўшимчалари ёрдамида уларни ишлаб чиқариш технологиясини модернизациялаш мақсадида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Майонез ишлаб чиқаришда ўсимлик мойлари ва озиқ-овқат қўшимчаларининг ўрнига алоҳида эътибор қаратилади.

Бугунги кунда дунёда майонез сифатини яхшилаш учун илмий базани яратишни асослаш керак, ҳозирда майонез умумий овқатланишда зиявор сифатида ишлатилади: шу сабабли майонезларнинг аниқ физик-кимёвий хусусиятларини, кимёвий таркибини, сифатини ва биологик қийматини аниқлаш; ўсимлик мойларини қўллашни кенг тадбиқ этиш йўллариини ишлаб чиқиш, шунингдек таъм берувчи воситалар ва озиқ-овқат қўшимчаларини кенг қўллаш усулларини ишлаб чиқиш; майонезнинг озиқ-овқат хавфсизлигига таъсирини аниқлайдиган жараёнларни аниқлаш керак.

Республикада маҳаллий ўсимлик ресурсларидан, шунингдек таъм берувчи воситалар ва озиқ-овқат қўшимчаларидан фойдаланган ҳолда майонезнинг янги турларини ишлаб чиқаришда илмий ва амалий натижаларга эришилди. Республикамизни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида саноатни «энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган юқори технологик қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантириш асосида саноатни сифат жиҳатдан янги босқичга ўтказиш, уни модернизация қилиш ва диверсификациялаш»<sup>1</sup> бўйича вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, хусусан, анъанавий ва ноанъанавий ўсимлик мойлари, шунингдек, таъм берувчи воситалар ва озиқ-овқат қўшимчалари асосида майонез ишлаб чиқаришни такомиллаштириш дунё бозорида катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4118-сон «Ёғ-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида»ги, 2018 йил 19 январдаги ПҚ-3484-сон «Ёғ-мой тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 26 апрелдаги ПҚ-3680-сон «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармон ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республикада фан ва

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда бешта устувор йўналишлар бўйича ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони

технологияларни ривожлантиришнинг VII: «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Ўсимлик мойлари ва таъм берувчи воситалардан ишлаб чиқаришга асосланган майонез олиш технологияси бўйича илмий тадқиқотлар Н.С. Арутюнян, Е.П.Корнена, О.С.Восканян, Л.Ф.Павлоцкая, В.Х.Паронян, Б.Н.Тютюнников, И.М.Товбин, Н.Л.Меламуд, Р.Л.Перкель, А.А.Шмидт, А.Г.Сергеев, А.В.Стеценко, К.Х.Мажидов, М.Н.Рахимов ва бошқалар тадқиқот ишлари олиб борган.

Тадқиқотлар натижасида майонезлар ишлаб чиқариш технологияси, уларнинг сифати ва озиқ-овқат хавфсизлигини такомиллаштирилди ва кунгабоқар, соя ва бошқа анъанавий ўсимлик мойлари асосида майонезнинг янги турлари ишлаб чиқилди, таъм берувчи воситалар ва озиқ-овқат қўшимчаларини ушбу мақсадлар учун хом ашё сифатида ишлатиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди, жумладан, амалиётда мавжуд бойитувчи ва қўшимчалар ҳам инobatга олинди.

Шу билан бирга, пахта мойи ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари асосида майонез ишлаб чиқаришни жадаллаштириш учун қўшимча маҳаллий хом ашё ва анъанавий ўсимлик мойларидан фойдаланиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик-технология институти **илмий-тадқиқот режасининг А-9-8 «Юқори сифат ва озиқ-овқат хавфсизлиги кўрсаткичига эга ёғларни ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришда янги ишланмалар» (2015-2020 йй.)** илмий-тадқиқот, амалий ва инновацион лойиҳалар режасининг “2018-2021 йилларда озиқ-овқат маҳсулотларининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлайдиган юқори самарали технологиялардан фойдаланиб маҳаллий ноанъанавий хом-ашё асосида ёғ-мой маҳсулотларининг сифатини ошириш ва ассортиментини кенгайтириш” лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** майонез тайёрлаш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

майонез ишлаб чиқариш учун асосий ва қўшимча хом ашё таснифларини ўрганиш;

майонез тайёрлашнинг технологик босқичларини асослаш;

янги турдаги хом ашё манбалари асосида майонез турларини кенгайтириш;

майонез компонентлари рецептурасининг физик-кимёвий ва технологик таснифларини ўрганиш;

хантал кукунининг майонез хусусиятларини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамиятини аниқлаш;

сут концентратларидан фойдаланган ҳолда паст калорияли майонезни рецептурасини яратиш ва барқарорлигини таъминлаш;

майонез рецептуралари таркибий қисмлари ва сақлаш технологиясини мувофиқлаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** турли хил кимёвий таркибга эга биологик фаол моддалар ва ўсимлик мойлари, озиқ-овқат қўшимчалари, таъм берувчи воситалар, ароматизаторлар, бўёвчи воситалар, майонез тайёрланиш технологик жараённинг рақобатбардош усуллари, уларнинг турларини кенгайтириш ва озуқавий хавфсизлигини таъминлаш.

**Тадқиқотнинг предмети** майонез тайёрлашда биологик фаол ва хавфсиз озиқ-овқат моддаларининг ўрни ва аҳамиятини аниқлаш, уларнинг сифатини яхшилаш ва озуқавий хавфсизлигини таъминлаш. Саноатда ресурс ва энергия тежайдиган технологиялардан фойдаланиш; маҳсулот сифати самарадорлигини оширишнинг илмий ва тадқиқот усуллари асослаш; маҳаллий ноанъанавий хом ашёлар асосида олинган озиқ-овқат қўшимчалари ва таъм берувчи воситалардан фойдаланган ҳолда майонезнинг турларини кенгайтиришни таъминлаш; тайёр маҳсулотнинг сифати ва озуқавий қийматини шакллантиришда қўшимчалар ва воситаларнинг аҳамиятини аниқлаш; назарий тадқиқот тушунчаларини асослаш ва уларни ишлаб чиқаришда жорий этиш.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажаришда физик-кимёвий таҳлилнинг замонавий усуллари қўлланилди, хусусан, ИҚ, ГСХ, ЮҚХ шунингдек, рентген тузилиш диффракцияси ва дифференциал термик таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

биологик фаол хом ашёлар асосида майонез олиш технологияси таклиф этилган;

фойдаланилган янги хом ашё турларини қўллаб майонезларни тайёрлашнинг инновацион усуллари яратилган;

янги хом ашёлар асосида майонезларнинг турларини кенгайтириш илмий жиҳатдан асосланган;

майонез рецептурасини ташкил этувчи компонентларнинг физик-кимёвий ва технологик тавсифлари асосланган;

миллий хантал кукуни асосида янги турдаги майонез хусусиятларини шакллантириш илмий асосланган;

сут концентратларидан фойдаланган ҳолда паст калорияли майонез рецептураси ва унинг барқарорлиги таъминланган;

янги турдаги майонез рецептурасининг таркиби ва уларни сақлаш технологияси яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

майонезнинг барқарор бўлган функционал хусусиятини таъминлашга қаратилган биологик фаол қўшимчаларнинг фаолияти асосланган;

ноанъанавий ва анъанавий қўшимчаларнинг миқдорий нисбатларига мувофиқ юқори сифатли майонез ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилган

ноанъанавий биологик фаол қўшимчалар асосида майонез ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга эришиш асосланган

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** хом ашёлар таҳлили, сифат кўрсаткичлари ва физик-кимёвий тавсифларни баҳолашда замонавий

физик-кимёвий тадқиқот усуллари, экспериментал натижаларни математик қайта ишлаш усуллари ҳамда лаборатория ва ишлаб чиқариш синовларида олинган саноат миқёсидаги натижалар ва уларни амалда қўллаш билан тасдиқланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти майонез тайёрлашда анъанавий ва ноанъанавий тайёр маҳсулотнинг кўрсаткичларини шакллантиришда фойдаланилган қўшимчаларнинг ўрни ва аҳамияти илмий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти янги турдаги анъанавий ва ноанъанавий хом ашёларни қўллаб майонез ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилган ва оптимал режимлар аниқланган.

#### **Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.**

Майонез тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш асосида қуйидагиларга эришилди:

биологик фаол хом ашёлар асосида янги турдаги майонез ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган технологияси “Тошкент ёғ-мой комбинати” АЖда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасининг 2020 йил 02-декабрь ҚС/3-1353-сон маълумотномаси). Натижада, майонезлар турларини кенгайтириш ва янги таркибларини жорий этиш имконини берган;

янги хомашё турларини қўллаб майонезларни тайёрлаш усуллари “Тошкент ёғ-мой комбинати” АЖда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой саноати корхоналари уюшмаси 2020 йил 02-декабрь ҚС/3-1353-сон маълумотномаси). Натижада, сарф харажатларни 3-5% камайтириш, майонез ишлаб чиқариш ҳажмини эса 15-17% ошириш ҳамда тайёр маҳсулотларнинг барқарор ҳолатини узоқ муддатда сақлаб қолинишига замин яратиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари маърузалар кўринишида 5 та халқаро ва 7 та республика миқёсида ўтказилган илмий-техник анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этириши учун тавсия этган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 та хорижий ва 1 та республика журналларида мақолалар нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта бўлим, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 108 бетни ташкил этади.



## ДИСЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблик ва талаб этилганлик даражаси, унинг мақсади ва вазифаси асосланган, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республикада фан ва технологиялар муҳим йўналишлари ривожланиши бўйича мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқот натижалари илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очилган, нашр этилган ишлар ва диссертация мазмуни бўйича, тадқиқот натижаларини амалга жорий этиш ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи бўлимида **майонезлар, сифат ва таркиби, ассортимент, ишлаб чиқариш технологияси; майонезларнинг умумий таснифи ва уларнинг турлари; майонез ишлаб чиқариш учун хом ашё ва майонезлар ишлаб чиқариш усуллари** изоҳланган. Ахборот манбалари асосида сут-мойли маҳсулотларга умумий тасниф ва уларнинг ассортименти тақдим этилган. Майонезлар ишлаб чиқариш учун қўлланиладиган хом ашё, озиқ-овқат қўшимчалари ва таъм моддалари асосланган. Майонезлар технологияларини такомиллаштириш усуллари, майонезларнинг асосий компоненти бўлиб ҳисобланадиган, биологик фаол озиқ-овқат қўшимчаларининг ўрни ва аҳамияти аниқланган, уларни ишлаб чиқариш усуллари, майонезларнинг озуқавий қиймати ва хавфсизлигини таъминлайдиган омиллар белгиланган.

**Хом ашё ва материаллар, эксперимент техникаси, қурилмалар, таҳлил ва баҳолаш усуллари** деб номланган диссертациянинг иккинчи бўлимида асосий ва қўшимча ишларнинг таснифи берилган.

Ароматизаторлар қўшимчалари билан бўлган дезодорация қилинган пахта мойлари 1-жадвалда кўрсатилган.

### 1-жадвал.

#### Ароматлаштирилган дезодорацияланган пахта мойларининг турлари

Ароматизатор тури	Мойнинг тури, қўшимча миқдори, кг/т	
	Рафинацияланган, дезодорацияланган, ароматизацияланган	Салат дезодорацияланган, ароматизацияланган
Зайтун ҳидли	0,15–0,35	0,15–0,35
Дафна ҳидли	0,05–0,10	0,05–0,10
Райҳон ҳидли	0,15–0,30	0,15–0,30
Розмарин ҳидли	0,15–0,30	0,15–0,30

1- жадвалда кўриняпдики, ароматизаторларнинг камгина миқдори ҳам дезодорациялашган мойларнинг органолептик (хид) хоссаларига таъсир қилади.

Қўлланган хушбўй табиий хидли – зайтун, дафна, райҳон ва розмарин – гуруҳининг ароматизаторлар таркибида, мувофиқ ароматик доривор ўсимликлардан олинган эфир ёғлар мавжуд, бунда эфир мойнинг асоси 5-6 хушбўй –ароматик эфир мойлардан шаклланган “даста” бўлиб хизмат қилди. Ароматизациялашган мойлар билан биргаликда майонезларда анъанавий мойлар (2-жадвал) қўлланган ҳолда ҳам тайёрланди.

**2-жадвал.****Рафинацияланган ўсимлик мойларнинг физик–кимёвий кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	Кунгабоқар мойи	Соя мойи	Жўхори мойи
Фосфолипидлар миқдори, %	0,08	0,09	0,09
Кислота сони, мг·КОН/г	0,29	0,30	0,29
Ранги, мг. % J <sub>2</sub>	6	7	6
Мумсимон моддаларнинг миқдори, %	0,001	0,002	0,001
Токоферолларнинг қолдиқ миқдори, мг. %	70,0	74,0	150,0
Металларнинг қолдиқ миқдори, мг/кг:			
темир	0,20	0,189	0,101
никель	0,020	0,014	0,01
мис	0,013	0,003	0,002
Дезодорацияланган мойнинг органолептик баҳоси, балл	8	8	8

Эмульгацияланадиган хом ашё сифатида тухумни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлатилган.

3-жадвалда хар хил тухум маҳсулотларини қўллашдан кейин майонезда фойдаланилган эмульгаторнинг миқдори кўрсатилган.

**3- жадвал.****Тухум маҳсулотларининг тавсия этиладиган вазн (массавий) улуши, %**

Тухум маҳсулоти	Тухум сариғининг курук моддалари	Майонездаги тухум маҳсулоти
Тухум кукуни	34,0	4,00
Тухум сариғи кукуни	95,0	1,42
Тузланган пастеризацияланган суюқ	46,0	2,20
Суюқ бутун тухум	18,5	7,30
Музлатилган тухум сариғи	42,0	3,20

Майонезлар тайёрлаш бўйича тадқиқотлар лаборатория ва синов-ишлаб чиқариш шароитларида олиб борилди. Лаборатория тажрибалари 1-расмда келтирилган қурилмада бажарилди. Қурилма пастеризацияланган озиқ овқат аралашмаларини олишга мўлжалланган.



### **1-расм. Майонез тайёрлаш учун лаборатория қурилмаси**

1 – бошқарув қурилмаси, 2 – аралаштириш қурилмаси, 3 – патрубкка, 4 – очгич, 5 – патрубкка, 6 – аралашмалар патрубккаси, 7 – сиғим

Майонезни ишлаб чиқариш қуйидаги технологик жараёнлардан иборат:

10%– ли сирка кислота эритмасини тайёрлаш; сепувчан компонентларни тайёрлаш ва ўлчаш; қайлани (паста) тайёрлаш (эмульгацияланадган ва структураланадиган асос); дағал эмульсияни тайёрлаш; майин дисперсли эмульсияни тайёрлаш (гомогенизация); тайёр маҳсулотни қадоқлаш ва жойлаштириш; тайёр маҳсулотни омборга жўнатиш.

Майонезнинг сифати ГОСТ 30004.1–93 “Майонезлар. Умумий техник талаблар” га мувофиқ таъм ва ҳиди, консистенцияси, ранги, ёғ миқдори, намлиги, кислоталиги, эмульсияси барқарорлиги бўйича баҳоланди.

Диссертациянинг учинчи бўлимида **майонезларнинг рецептурасини хом ашё янги турдаги манбалари орқали такомиллаштириш** баён этилган. Майонезлар ишлаб чиқариш узлукли ва узлуксиз усулларда амалга оширилади. Кам энергия технологик жараён сарфли майонез маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва рецептуралари тавсия этилди. Майонезларнинг рецептураси асосини 4-жадвалда келтирилган компонентлар ташкил этади.

## 4-жадвал.

## Таркибида 80 % ёғ мавжуд бўлган майонезнинг рецептураси

Таркибий компонентлар	миқдори, %
Ўсимлик мойи	80,0
Пастеризацияланган тузланган тухум сариқлари	6,0
10% – ли сирка кислотаси	4,0
Шакар	1,5
Ош тузи	1,0
Зираворлар	0,1
Сув	6,4
Лимон, куркума	1,0
Жами	100

Майонезларнинг янги турдаги озиқ овқат қўшимчалари ва таъм моддаларини қўллашда аҳолида аҳамият берилди. (5- жадвал).

## 5-жадвал.

## Майона «Классический» ўрта калорияли майонезнинг рецептураси

Компонентларнинг номланиши	Компонентларнинг вазн улуши, %		
	Рецептуралар вариантлари		
	1	2	3
Дезодорацияланган ўсимлик мойи	50,0	50,0	50,0
(Гелеон 133С) комбинациялашган тизим	1,4–2,5	–	–
(Хамульсион) комбинациялашган тизим	–	1,3–2,5	–
Модификатлашган крахмал	–	0,0–2,0	0,1–0,4
Стабилизатор	–	–	0,01–0,03
Эмульгаторлар, фермент кукуни, тухум сариғи	–	–	1,0–3,0
Шакар	1,5–2,2	1,5–2,2	1,5–2,2
Ош тузи	1,0–1,5	1,0–1,5	1,0–1,5
Ош содаси	0,0–0,05	0,0–0,05	0,0–0,05
Хантал ароматизатори	0,02–0,08	0,02–0,08	0,02–0,08
Тухум ароматизатори	0,0–0,06	0,0–0,06	0,0–0,06
Провансаль ароматизатори	0,0–0,08	0,0–0,08	0,0–0,08
Қаймоқ ароматизатори	0,0–0,04	0,0–0,04	0,0–0,04
Таъм ароматик қўшимча БФҚ	0,0–0,5	0,0–0,5	0,0–0,5
Таъм кучайтиргич (натрий глутамат ва б.)	0,0–0,2	0,0–0,2	0,0–0,2
Лимон кислотаси 80%	0,0–0,05	0,0–0,05	0,0–0,05
Сирка кислотаси 80% –ли	0,1–0,4	0,1–0,4	0,1–0,4
Сут кислотаси 40% –ли	0,0–0,06	0,0–0,06	0,0–0,06
Бетта каротин бўёқ 0,30% –ли	0,0–0,2	0,0–0,2	0,0–0,2
Антиоксидловчи (калий сорбат ёки ЭДТА)	0,06–0,10	0,06–0,10	0,06–0,10
Бензоат натрия	0,00–0,08	0,00–0,08	0,00–0,08
Сув	45,92–41,90	46,02–39,90	46,21–40,97
Хаммаси	100	100	100

5-жадвалдан кўришиб турибдики майонезларнинг рецептураларини тузишда янги турдаги озиқ-овқат қўшимчалари ва таъм берувчи моддаларини қўллашда аҳолида аҳамият берилган. Қўшимчаларнинг миқдорий таркиби ва нисбати ҳар хил чегараларда ўзгарган. Натижада янги турдаги майонезлар жорий этилган.

Таркибий қисмларнинг ҳар бири аниқ бир вазифани бажаради, масалан куйқалаштирувчи, тухум сариғи ва желе ҳосил қиладиган моддалар эмульгатор ролини бажаради; туз консервалашда хизмат қилади; сода эса талаб этиладиган рН муҳитни сақлайди.

Янги авлод озиқ-овқат қўшимчалари ва таъм берувчи моддаларни қўллаган ҳолда майонезларнинг тури кенгайишига эришилди (6-жадвал).

**6-жадвал.**

**Янги турдаги «Моя мечта» майонезнинг ассортименти ва таркиби**

Ингредиентлар	Ассортимент, таркиб, %			
	Провансаль	Зайтунли	Пишлоқли	Классик
Ўсимлик мойи	34...37	34...37	34...37	48...52
Сирка эритмаси	0,15...0,35	0,15...0,35	0,15...0,35	0,10...0,40
Шакар	2,1...2,3	2,1...2,3	2,1...2,3	1,5...2,2
Ош тузи	1,1...1,3	1,1...1,3	1,1...1,3	1,0...1,5
Сув	54,2...56,9	54,2...56,9	54,2...56,9	39,9...46,2
Полисахаридлар	3,1...3,7	3,1...3,7	3,1...3,7	0,1...2,2
Ароматизаторлар	0,05..0,09	0,05..0,09	0,05..0,09	0,02..0,26
Озиқ-овқат қўшимчалари	0,69...0,71	0,69...0,71	0,69...0,71	1,69...1,75
Ҳаммаси:	95,39...102,35	95,39...102,35	95,39...102,35	91,31...106,51

Қўлланилган озиқ-овқат қўшимчалари ва таъм берувчи моддалари майонезларга талаб этиладиган ва физик-кимёвий тавсифларини таъминлаб берди (7-жадвал).

**7-жадвал.**

**Майонезларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари**

Кўрсаткич номланиши	Қиймати
Ёғнинг массавий улуши % дан кам эмас	50,0
Намликнинг массавий улуши, % дан кам эмас	46,5
Сирка ёки лимон кислотасига ҳисобланган кислоталик, % дан қўп эмас	0,7
Эмульсиянинг барқарорлиги, % дан кам бузилмаган	98
Энергетик қиймат, ккал	465

Янги турдаги майонезларнинг ўзига хослиги, уларнинг рецептураси таркибида ўсимлик мойи ва ёғ қўшимчалари микдорининг нисбатан пастлигидир. Бу эса ўз навбатида тайёр маҳсулотнинг каллориясини пасайишини таъминлайди.

Шундай қилиб, майнонезларнинг янги ассортименти технологиясини яратилиши ва ишлаб чиқарилиши саноат шароитида ёғ-мой маҳсулотлар ишлаб чиқаришини кенгайтиришга имкон яратди.

**Майонезлар компонентлари таркибий қисмларининг физик-кимёвий ва технологик тавсифларини тадқиқ қилинди.** Майонезларни сифат ва физик-кимёвий тавсифларига таъсир этадиган ва белгилайдиган асосий технологик босқичлар хом ашё аралашмаларини эмульгациялаш ва майонез массасининг барқарорлаштириш бўлиб ҳисобланади. Ушбу хусусиятларнинг асосий таркибий қисмлари сут концентратлари (карбоксиметилцеллюлозанинг натрий тузлари) ва тухум маҳсулотлари (тухум кукуни) бўлиб ҳисобланади.

Шундан келиб чиққан ҳолда айрим тадқиқотлар майонезлар компонентларининг таркибий қисмлари уларни ишлаб чиқариш технологик жараёнларига таъсир этилганига йўналтирилган.

**Карбоксиметилцеллюлозани натрий тузининг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш.**

Қуюқлаштирувчи сифатида анионфаол NaКМЦ ишлатилиши имконият туғилишида, унинг сувли эритмасининг қовушқоқлик тавсифлари ўрганилган. NaКМЦ нинг сувли эритмаси дисперсион муҳит сифатида ишлатилди. NaКМЦ эритмаларининг қовушқоқлик хоссаларини тадқиқ қилиш эмульсия маҳсулотлар рецептураларини тузиш нуқтаи назаридан энг аҳамиятли бўлиб ҳисобланади.


2-расмда NaКМЦ макромолекулалари кимёвий тузилишининг сувли эритмаларга таъсири кўрсатилган.

Графиклардан кўриниб турибдики полимеризация  $p$  (1 эгри чизиғи) ва алмашилиш даражалари  $x$  (2 эгри чизиғи) ўсиши билан эритмаларнинг қовушқоқлиги ўсади. Бундай ҳолат алмашилиш даражаси ўсиши билан, шунингдек NaКМЦ молекуласида карбоксил гуруҳлари миқдори 59 дан 82 гача ошиши натижасида қовушқоқлик кескин кўтарилади, худди шу ҳолат полимеризация даражаси 180 дан 450 гача бўлганда кузатилади, бу эса полимерларнинг умумий физик –кимёвий ўзгариш қонуниятларига мувофиқ.


NaКМЦ эритмаларининг қовушқоқлиги, барча электролитларидек, рН муҳитига боғлиқ бўлади. 3-расмда NaКМЦ эритмасининг қовушқоқлиги рН муҳитидан боғлиқлиги кўрсатилган.

Шундай қилиб, NaКМЦ макромолекулаларининг ўзини тутиши ва эритманинг турли физик-кимёвий шароитларда ўзгариши сув-мой чегарасидаги фазаларо адсорбцион қаватларнинг ҳосил бўлиш ўзгариш қонуниятларини белгилайди, булар эса тадқиқотларда ўз ифодасини намоён этди.

Ҳарорат эмульсияларнинг қовушқоқлик хоссаларига таъсир этадиган энг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади.



2-расм. Алмашиниш даражасига боғланган ҳолда NaKMЦ концентрациясининг сувли эритмаларига бўлган таъсири: (1) – 59; (2) – 68; (3) – 70; (4) – 82




3-расм. Полимеризация даражасига боғланган ҳолда NaKMЦ концентрациясининг сувли эритмаларига бўлган таъсири: (5)–180; (6)–250; (7)–260; (8) – 330


NaKMЦ нинг структура ҳосил қиладиган хоссаларини аниқлаш мақсадида унинг вақтга қараб сув ютиш хусусияти ўрганилган. Намуна (pH=7,0) муҳитда бўлган 60, 120, 180, 240 минут давомида сувли эритмада сақланди. Олинган натижалар 4-расмда келтирилган. Расмдан кўришиб турибдики вақт ўтиши билан манбанинг сув ютиш хусусияти ўсади.

Ҳароратга қараб, NaKMЦ нинг ёғ ютиш қобилияти тадқиқ қилинди(расм-5). Расмдан кўришиб турибдики ёғ ютиш максимал даражаси ҳарорат 40°C бўлганда кузатилади. Ҳарорат пасайиши ва кўтарилиши билан ёғни ютиш қобилияти пасаяди.

Шундай қилиб, эмульсион маҳсулотлар рецептураларида қўшимча сифатида қўлланилган сут оқсилларнинг рН муҳити тавсиф қийматлари бўйича олинган натижалар, табиати ва маҳсулот тури, унинг физик-кимёвий тавсифларига мувофиқ нафақат унинг физик-кимёвий тавсифларини оптималлаштиришга, балки рН муҳитларини ҳам яхшилашга имкон яратади.



4-расм. Вактга қараб NaKMЦнинг сув ютиш хусусияти ўзгариши



5-расм. Ҳароратга қараб NaKMЦнинг ёғ ютиш хусусиятини ўзгариши

**Майонез тавсифларини шакллантиришда хантал кукунининг ўрни ва аҳамиятини ўрганиш.** Хантал кукуни 1:4 нисбатда сувда диспергирланди. Ханталнинг крахмал гелига бўлган ўзгарувчан ҳаракатини пасайтиришга талаб



этиладиган параметрларини аниқлаш учун ханталнинг “етилиши” учун сув ҳарорати ва сақлаш муддати ўзгартирилган.

Крахмал гелларининг хантал билан аралаштиришдан олдин (назорат) ва кейин (намуна 1-5) самарали қовушқоқлигини Реотест ускунасида  $D_{\text{ч}} = 3\text{с}^{-1}$  нинг кесма деформациялари тезлигида аниқланди. Синов натижалари 8-жадвалда келтирилган.

**8-жадвал.**

**Майонез тайёрланишининг технологик хусусиятларига хантал қўшишининг таъсири**

Хантал кукуни тайёрлаш усуллари			Намуна таркиби (оқ / кулранг хантал)	Қовушқоқликнинг самараси, Па·с		
Тажриба №	Сувнинг ҳарорати, С °	Сақлаш муддати (етилиши)		Чиқарилган вақтда	3 соатдан кейин	24 соатдан кейин
1	18	Сақламасдан	К	14,0	14,0	13,2
			100:0	11,0	6,0	Желенинг бузилиши
			70:30	9,3	7,3	
			50:50	9,9	6,9	
			30:70	10,8	7,5	
			0:100	11,4	9,7	
2	18	1 сутка	К	13,2	–	12,7
			100:0	9,7	9,3	0,65
			70:30	9,7	8,6	Желенинг бузилиши
			50:50	8,6	8,2	
			30:70	8,9	7,3	
			0:100	11,6	9,3	1,7
3	Хантал кукуни 3,5 %ли сирка кислотаси эритмасида 181 сутка давомида		К	10,2	10,2	10,2
			100:0	10,2	10,2	10,2
			70:30	8,8	9,9	7,8
			50:50	9,5	10,4	8,8
			30:70	8,8	8,6	8,6
			0:100	8,4	8,9	8,9
4	65	2 соат сувли идишда	К	13,1	–	10,2
			100:0	13,1	11,4	8,4
			70:30	10,4	10,6	9,3
			50:50	9,3	9,3	7,1
			30:70	11,2	9,3	7,5
			0:100	11,2	10,2	9,6
5	65	Сувли идишда 2 соат, нормал ҳароратда 24 соат, нормал ҳароратда 1 сутка	К	11,9	–	11,2
			100:0	10,2	10,6	9,8
			70:30	13,2	10,2	9,9
			50:50	13,8	11,6	11,4
			30:70	11,0	10,4	10,2
			0:100	11,2	10,1	10,5
6	75	20 мин сувли идишда 87 ° С да, ундан кейин нормал ҳароратда 2-3 соат	К	13,8	–	12,5
			100:0	13,4	10,2	9,9
			70:30	11,4	12,1	12,7
			50:50	11,7	11,9	10,8
			30:70	11,7	11,4	11,2
			0:100	9,7	9,5	9,3

Тадқиқот маълумотлари хантал кукунини олдиндан тайёрлаш зарурлигини кўрсатиб турибди, чунки у совуқ сувда, ханталнинг ферментатив гидролизи

жараёни 1 суткагача ҳам тугамайди, крахмал билан аралаштирилгандан сўнг охирги структурасини ўзгартиради. (1,2- тажрибалар).

Олинган маълумотлар шуни кўрсатиб турибдики, майонезни юқори истеъмолчилик хусусиятли бўлиши учун хантал кукунини олдиндан тайёрлаш керак, қачонки, ханталнинг тиоглюкозид гидролизлаш жараёни майонез эмульсиясига киритилишидан олдин тугалланиши зарур.

### **Стабилизаторларнинг майонез хусусиятларига таъсирини ўрганиш.**

Стабилизаторлар сифатида гидроколлоид тизимлардан фойдаланилди. Ушбу турдаги стабилизаторлар 2 компонентли тизим бўлиб ўсимликнинг гидроколлоид (гуар камеди) ва биосинтезланган (ксантан), охиргиси концентрацион таркиби билан фаркланади.

Юқоридаги стабилизаторларнинг майонез эмульсияларининг реологик хусусиятларига таъсири ўрганилди. Шу мақсадда майонез эмульсияларидаги гидроколлоидларнинг қуюқлиги 0,1% ораликда 0,1-0,4% гача ўзгарган (майонезнинг умумий ҳажмига нисбатан).

Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган майонез эмульсияларининг 40 % и ёғлик бўлиб, ёғ кислотаси ёрдамида мувозанатлаштирилган. Бунда майонез таркибидаги ёғнинг озуқавий пахта мойи (эмульсиянинг ёғли фазасига нисбатан 17%) ва буғдой муртаги ёғи (мос ҳолда 83%) ташкил этади.

**Майонез ишлаб чиқариш ва санитария-техник меъёрлари** номланган диссертациянинг 4-бўлимида тажриба -ишлаб чиқариш шароитида майонез ишлаб чиқариш натижалари келтирилган.

Майонезларнинг кенг тарқалган тури бўлиб «Провансаль» майонези ҳисобланади (9-жадвал).

**9-жадвал.**

### **«Провансаль» турли майонезнинг таркибий қисмлари**

Ингредиентлар	Таркиби , %	
	1- вариант	2- вариант
Сув	22,67-20,04	24,48-21,1
Ўсимлик ёғи	72,00	72,00
Модифицирланган крахмал	2,0-3,5	-
Компаунд	-	1,7-3,0
Эмульгатор	0,1-0,3	-
Стабилизатор	0,05-0,2	-
«Тухум» ароматизатори	0,02-0,08	-
Шакар – қуми	1,6-2,2	1,6-2,2
«Хантал» ароматизатори	0,02-0,04	-
«Провансаль» ароматизатори	-	0,02-0,05
Ош тузи	1,2	1,2
Сирка кислотаси (80 %)	0,1-0,3	0,1-0,3
Бета – каротин	0,01-0,04	0,01
Консервантлар	0,05-0,1	0,05-0,1
Истеъмол содаси	0,05	0,05
<b>Жами</b>	100,0	100,0

Сифатли ва сақлашга чидамли майонезни ишлаб чиқариш асосан гигиена талаблари ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга боғлиқ. Майонез сифатини ва

озик-овқат хавфсизлигини ўрганишда, дастлаб, майонез турини аниқлаш ва унинг мавжуд талабларга мослигини аниқлаш учун стандартлар билан органолептик сифат кўрсаткичлар ўзаро таққосланди. Майонез сифатини баҳолаш учун Республика стандартлари билан тартибга солинган асосий физик-кимёвий кўрсаткичлар ва хавфсизлик кўрсаткичлари баҳоланди. Олинган маълумотлар токсик элементларнинг (кўрғошин, мишьяк, кадмий, симоб, мис, темир), микотоксинлар, пестицидлар ва радионуклидларнинг таркиблари озиқ-овқат хом ашёлари ва озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигига нисбатан гигиена талаблари билан нормаллаштирилган даражадан ошмаганини тасдиқлади. СанПиН талабларига мувофиқ майонез, пероксид ва кислота қийматларининг оксидланиш даражасининг ёмонлашувини акс эттирадиган асосий индикаторлар қуйидаги даражалардан ошмади: перекис сонининг миқдори 10 ммолдан кўп бўлмаган фаол кислород / кг, кислота - 4 мг·КОН / г дан ортиқ эмас -қайта ишланмаганида; ва майонез учун 0,6 мг·КОН / г дан ортиқ эмаслиги исботланди. Майонез сифат ва озуқавий хавфсизлиги, экспертизаси, майонезни идентификациялаш, шунингдек, хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича зарарсизлигини аниқлаш орқали ўтказилди. Сифатли идентификацияни ўтказишда маҳсулотнинг янгилик даражаси ҳам аниқланди. Микробиологик кўрсаткичлар ва хавфсизлик кўрсаткичлари мавжуд бўлган СанПиН талабларга мувофиқлиги белгиланди. Майонезнинг сифати Давлат стандарти ва маълум турдаги майонезга қўйилган техник тавсифларида келтирилган талабларга мувофиқ деб баҳоланди. Майонезларнинг гигиеник кўрсаткичлари ва озиқ-овқат хавфсизлигини умумий таҳлил қилиш 10-жадвалда кўрсатилган.

#### 10-жадвал.

#### Майонезнинг санитария-гигиена меъёрлари

Кўрсаткич	Максимал руҳсат берилган таркиб, мг / кг.	Гигиена лабораториясининг баҳолашига кўра, мг / кг
Кўрғошин	0,1	Йўқ
Кадмий	0,05	Йўқ
Мишьяк	0,1	Йўқ
Симоб	0,05	Йўқ
Мис	1,0	0,03
Рух	5...10	Йўқ
Микотоксинлар	Қилиб бўлмайди	Йўқ
Пестицидлар	Қилиб бўлмайди	Йўқ
Нитратлар	1,5-2,0 мг/л	0,03...0,07
Нитрозаминлар	0,80-100 мкг/кг	Йўқ
Полициклик ароматик углеводородлар	до 0,5 мкг/кг	Йўқ
Антибиотиклар	Қилиб бўлмайди	Қилиб бўлмайди

10-жадвалда келтирилган маълумотларга қараганда, айрим кўрсаткичлар бўйича ишлаб чиқариш шароитида ишлаб чиқарилган майонез маҳсулотлари, меъёрий ҳужжатларда (СанПиН) белгиланган кўрсаткичлардан пастрокдир. Бу эса маҳсулотга бўлган истеъмолчилар талаб даражасини оширади.

## ХУЛОСА

1. Майонезнинг сифати ва физик-кимёвий хоссалари унинг рецептурасидаги таркиби ва таркибий компонентларига боғлиқлиги аниқланди. Бу хусусият маҳаллий хом ашёларга асосланган хушбўй моддалар ва озиқ-овқат қўшимчалари билан тавсифланади.

2. Майонезнинг рецептурасига хушбўйланган лавр барги, базилик, зайтун ва розмарин 0,05-0,35% миқдорда қўшилиши натижасида майонезнинг озуқавий қиймати ошишига эришилди.

3. Майонезларнинг янги рецептурасида анъанавий (классик) майонезга ароматик моддалар билан тўлдирилган кунгабоқар (45-50%), соя (30-37%) ва жўхори (7-25%) ёғларини киритиш таклиф қилинди.

4. Майонез ишлаб чиқаришнинг технологик босқичларини такомиллаштириш натижасида технологик сарфларни 3-5% камайишига ва ишлаб чиқарилган майонез миқдорини 15-17% га ошишига эришилди.

5. Самарали эмулгаторлар (сутли концентратлар) ва стабилизаторлар (гидроколлоид тизимлари)дан фойдаланиш натижасида майонезнинг структуравий турғунлиги ва сақлаш муддати 10–15°C ҳароратда 60-65 кунгача узайтирилди.

6. Тадқиқот натижаларни математик жиҳатдан қайта ишлаш ва майонез рецептураси таркибий қисмини оптималлаштириш орқали унинг таркибидаги ўсимлик мойи миқдорини (62-65%) ва хушбўй моддалар (3-5) ва озиқ-овқат қўшимчалари (30-33%) ташкил этди.

7. Майонез ишлаб чиқариш бўйича мавжуд меъёрий ҳужжатларга қўшимчалар ва ўзгартиришлар тавсия этилди. Тажриба-ишлаб чиқариш синов натижалари ва майонезнинг янги турларини ишлаб чиқаришга жорий этиш маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини берди. Бу моддий ва технологик харажатларни тежаш имкони натижасида 72,8 млн. сўм иқтисодий самара олинишини таъминлашни белгилади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ PhD.03/30.12.2019.Т.101.01  
ПРИ БУХАРСКОМ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**БОЗОРОВ ДИЛМУРОД ХОЛМУРОДОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ПРИГОТОВЛЕНИЯ  
МАЙОНЕЗА**

**02.00.17 – Технология и биотехнология обработки, хранения и переработки  
сельскохозяйственных и пищевых продуктов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Бухара – 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2017.2.PhD/T259.**

Диссертация выполнена в Бухарском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу [bmti\\_info@edu.uz](mailto:bmti_info@edu.uz), информационно-образовательном портале «Ziyounet» ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz).)

**Научный руководитель:**

**Мажидов Кахрамон Халимович**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Додаев Кучкор Одилович**  
доктор технических наук, профессор

**Абдурахимов Ахрор Анварович**  
доктор технических наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Каршинский инженерно-экономический- институт**

Защита диссертации состоится « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2020 г. в \_\_\_\_ часов на заседании разового научного совета PhD.03/30.12.2019.T.101.01 при Бухарском инженерно-технологическом институте по адресу: (200117, г.Бухара, ул. К.Муртазаева, 15. Тел.: (99895) 604-44-70, факс: (99865) 223-78-84, e-mail: [bmti\\_info@edu.uz](mailto:bmti_info@edu.uz). Бухарский инженерно-технологический институт 1-корпус, 2-этаж, конферен зал).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Бухарского инженерно-технологического института за № \_\_\_\_, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (200117, г.Бухара, ул. К.Муртазаева, 15.Тел.: (99895) 604-44-70.

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2020 года.  
(протокол рассылки № \_\_\_\_ от « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2020 г.).

**Н.Р.Баракаев**

Председатель Научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
д.т.н., профессор

**И.И.Мехмонов**

Учёный секретарь Научного совета по  
присуждению учёных степеней, к.т.н., доцент

**М.З.Шарипов**

Председатель научного семинара при разовом  
научном совете по присуждению учёных  
степеней, д.ф.-м.н., доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире проводятся научные исследования с целью повышения качества и расширения сырьевой базы производства майонезов, модернизации технологии их производства с использованием новых видов вкусовых веществ и пищевых добавок. Особое внимание уделяется установлению роли растительных масел и пищевых добавок в производстве майонезов.

На сегодняшний день в мире необходимо обосновать следующие научные решения для создания научной базы производства майонезов в целях улучшения их качества, которые в настоящее время используются в качестве приправ в общественном питании: определить конкретные физико-химические свойства, химический состав, качество и биологическую ценность; разработка способов широкого использования растительных масел, а также вкусовых веществ и пищевых добавок; определить процессы, влияющие на обеспечение пищевой безопасности майонезов.

В республике достигнуты научно-практические результаты по производстве новых видов майонезов с использованием местных растительных масел, а также вкусовых веществ и пищевых добавок. В Стратегии действий по дальнейшему развитию республики определены задачи отрасли как «Дальнейшая модернизация и диверсификация промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень, направленные на опережающее развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов<sup>2</sup>». В связи этим, в частности, усовершенствовать производство майонезов на основе традиционных и нетрадиционных растительных масел, а также вкусовых веществ и пищевых добавок, отвечающим требованиям мирового рынка имеет огромное значение.

Данное диссертационное исследование играет важную роль для повышения качества и безопасности жировой продукции на основе местного сырья. Это исследование в определенной степени способствует реализации задач, изложенных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-4118 от 16 января 2019 года «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию масложировой промышленности и внедрению рыночных механизмов в области управления», № ПП-3484 от 19 января 2018 года «О мерах по ускоренному развитию масложировой промышленности», № ПП-3680 от 26 апреля 2018 года «О мерах по дальнейшему обеспечению продовольственной безопасности страны» и №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и других нормативно-правовых актах, касающихся этой деятельности.

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан №4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах».

**Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Данное исследование проводилось в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии в республике VII: «Химическая технология и нанотехнология».

**Степень изученности проблемы.** Научными исследованиями по технологии производства майонезов на основе растительных масел и вкусовых веществ работают такие ученые, как Н.С.Арутюнян, Е.П.Корнена, О.С.Восканян, Л.Ф.Павлоцкая, В.Х.Паронян, Б.Н.Тютюнников, И.М.Товбин, Н.Л.Меламуд, Р.Л.Перкель, А.А.Шмидт, А.Г.Сергеев, А.В.Стеценко, К.Х.Мажидов, М.Н.Рахимов и другие.

В результате своих исследований они усовершенствовали технологии производства майонезов, улучшили их качество и пищевую безопасность, а также разработали новые виды майонезов на основе подсолнечного, соевого и других общеизвестных видов растительных масел, разработаны рекомендации по использованию вкусовых веществ и пищевых добавок в качестве сырья для этих целей, включая общеизвестные обогатители и добавки.

В то же время проводятся исследования по использованию местного сырья, а также традиционных растительных масел для ускорения производства майонезов на основе хлопковых масел и продуктов их переработки.

**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских, практических и инновационных проектов Бухарского инженерно-технологического института А-9-8 «Новые разработки в совершенствовании технологии производства масел с высокими показателями качества и пищевой безопасности продуктов» (2015-2020 гг.), «Повышение качества и расширение ассортимента масел на основе местного нетрадиционного сырья с использованием высокоэффективных технологий, обеспечивающих пищевую безопасность продуктов» (2018-2021 гг.).

**Целью исследования** является совершенствование технологии приготовления майонеза.

**Задачи исследования:**

